



КОНФУЦИЙ АСАРЛАРИДА ЭСТЕТИК ҒОЯЛАР

А.Юлдашев

Ўзбекистон Халқаро ислом академияси
хузуридаги малака ошириш маркази
Самарқанд минтақавий филиали
катта ўқитувчиси

Аннотация: Шарқнинг буюк мутафаккири , ўз ҳикматли сўзлари билан нафақат Шарқда балки бутун дунёга машҳур бўлган устоз Куннинг илмий меросини янада чуқур ўрганиш, уни бошқа ўқувчиларга ҳам етказиш, ушбу шахннинг шахсиятини янада ёритиб бериш.

Annotation: The great thinker of the East, the teacher who is famous not only in the East but all over the world for his wise words, to study more deeply the scientific heritage of the Kun, to pass it on to other students, to shed more light on the personality of this person.

Калит сўзлар: конфутсийчилик, этика, эстетика, афоризм, Хитой

Keywords: Confucialism, ethics, aesthetics, aphorism, China

“Инсон ўлади, лекин уни ўн минг йиллардан сўнг ҳам танийдилар. Авлодлари юрагидан”

Конфуций

Ҳозирги кунда Конфуций номини эшитмаган, унинг хикматли сўзларидан баҳраманд бўлмаган одамни учратиш кийин. Нима сабабдан у бунчалик машҳурликка эришди деб ўйлайсиз? Жавоби эса оддий : Конфуцийдаги оддийлик, тўғрилиқ, адолат! Унинг ҳаётдаги шиори “Ўзинга раво кўрмагани ўзгага ҳам раво кўрма”. Конфуцийнинг 3000 дан зиёд шогирдлари ўша даврнинг энг юкори мартабаларида бўлишига қарамасдан Конфуций бундан фойдаланмади. Шогирд тарбиялашда давом этди.

Конфуций (мил.авв.551-471) Хитой тарихидаги биринчи тажрибали ўқитувчи саналади. 20 ёшидан бошлаб таълим бериш билан шуғулланади. У 30 ёшида илк хусусий мактабга асос солади. Кейинчалик яратилган ўзининг китобида шундай жумла бор : “ Мен 15 ёшимда билим олишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим. 30 ёшимда оёқда мустақил тура олдим. 40 ёшимда турли масалалар мохиятини тушуниб , йўлимни йўқотиб қўймадим. 50 ёшимда Осмон менга тақдиримни инъом этганлигини англадим. 60 ёшимда ҳақиқатни ёлғондан ажрата оладиган бўлдим. 70 ёшимда қонун-қоидалар чегарасидан чиқмаган холда юрагимнинг амрига бўйсунга бошладим ”. У Хитой тарихида сезиларли из қолдирган. Шу сабабдан , Исо Масих, Будда, Суқрот билан бир қаторда турувчи “дунёнинг 4 буюк донишманди” деб эътироф этилади.



Конфуцийнинг этик,эстетик ва фалсафий қарашлари унинг “Лун Юй ” (“Сухбатлар ва мулоҳазалар”) асарида батафсил ёритилган. Ушбу китоб Конфуцийнинг вафотидан сўнг шогирдалари томонидан яратилган. Бу китоб 20 бўлим, 492 банддан иборат бўлиб , ҳар бир бўлим ўз ичига савол-жавоб ҳамда сухбатни қамраб олади. Бу китоб нафақат фалсафий балки ўша даврнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётини кенг маънода ёритиб берган. Шунинг учун ҳам ушбу китоб 2000 йилдан ортиқ вақт давомида хитойликларнинг ўқиб ўзлаштирилиши шарт бўлган китоблари сирасига киритилган ва кўплаб тилларга таржима қилинган. Жумладан, XVII асрда лотин, сўнг инглиз, франсуз ва бошқа тилларга таржима қилинган.

Конфуций – инсонийлик ғоясини тарғиб қилган, инсоннинг ахлоқ гўзаллигига оид, камтарлик, адолатпешалик, оғир-босиқлик, обрў-эътиборлилик, очиқкўнгиллилик, садоқат ва самимийлик, одоб-ахлоқ чегарасидан чиқмаслик, урф-одатлар ва маросимларга риоя қилиш каби тушунчаларнинг фалсафий ва мантиқий талқин билан ёритиб беради. Шунинг учун ҳам унинг асарлари ҳар қандай замонда ҳам долзарб.

Аждодлар ҳурматини жойига қўйиш ҳақидаги таълимотни Конфуций инсонийликнинг асоси деб белгилайди. Унингча ва ҳақиқатдан ҳам барча айниқса, саводли, маълумотли, одамий, олийҳиммат бўлишга интилаётганлар обрў-эътиборли фарзандлардир. Бу тўғрисида буюк алломалар ва донишманд халқ томонидан бир қанча ривоятлар яратилган.

Инсонийликнинг моҳияти, Конфуций яратган муқаддас китобларда талқин қилинишича, ота-онага рисоладагидек хизмат қилиш, рисоладагидек уларни охирги манзилига элтиш, рисоладагидек қурбонликлар қилишдан иборат. Бу қоидаларга кўра, одобли фарзанд умр бўйи ота-онасининг хизматида бўлади, уларга ғамхўрлик кўрсатади, кўнглини топишга интилади, парвариш қилади, саломатлиги ва манфаати йўлида ҳамма нарсага тайёр туради, ҳар қандай шароитда уларни ҳурматини жойига қўяди. Ҳатто улар ярамас, жинойтчи, ўғри ва қотил бўлганларида ҳам одобли фарзанд мулойимлик билан ялиниб-ёлвориб бўлса ҳам уларни яхши йўлга қайтишига ундайди. Демак, ота-онага ҳурмат гўзал инсоний хулқлардан бири бўлиб ота-онани ҳурмат қилган одам нафақат уйдаги оила аъзоларини балки кўчадаги инсонларни ҳам эъзозлайди, яъни бутун инсониятни ҳурмат қилишга чорлайди. Ота-онани ҳурмат қилиш мутафаккир наздида инсонийликнинг биринчи белгиси деб тушунтиради.

Конфуций таълимотига кўра, олийжаноб инсон бешта хусусиятга эга бўлади:

1. Жень – инсонийлик
2. И – адолат
3. Ли – таомил (кўпроқ диний маросим ва урф-одатлар)
4. Чжи – соғлом фикрлаш
5. Синь – самимийлик





Шундан келиб чиқиб, кўп тадқиқотчилар Конфуцийнинг таълимотини одоб-ахлоқ ва инсонпарварлик таълимоти деб баҳолайдилар.

“ Сонг сулоласи давлатига асос солинган даврда Жао Пу исмли вазир бўлган экан. Ўзгалар уни императорга мамлакатни бошқаришда ёрдам бериш қобилиятига эга инсон деб мақтар, уни асар, шеърларни кўп ўқиган, илми ва истейдодли деб ҳисоблашар экан. Лекин кишилар унинг уйига кирганларида, китоб жавонида биргина “ Лун Юй ” асари турганлигини кўрибдилар, бундан ташқари у китоб фақат ярмигача ўқилган экан. Шу туфайли вазирни “ яримта “ Лун Юй ” давлатни бошқаряпти ” деб атаган эканлар. Мана шу келтирилган маълумотнинг ўзи ҳам ушбу китобнинг қанчалик кимматга эга эканлигини билиб олишимиз мумкин.

Келинг, энди ушбу асардан айрим парчаларини таҳлил киламиз. Ушбу китобнинг 7-бўлимида қуйидагича жумла келтирилган: “ Толиб ўзи бош қотириб бир нарсанинг моҳиятини англаб етмас экан, унга йўл-йўриқ кўрсатмайман. Толиб ўзи айтмоқчи бўлган фикрини аниқ қилиб баён этиб бермагунича, унга тушунтириш бермайман. Толибга битта бурчак тўғрисида сўзлаб берсам , у эса қолган учта бурчак ҳақида хулоса чиқариб бера олмаса , мен унга бошқа сабоқ бермайман ”. Бу жумла айниқса ҳозирги кунда жуда ўринли . Юримизда азалдан устоз-шогирд аънанаси куртак ёзиб келган. Улуғбек мадрасасида ўз даврининг етуқ олимлари сабоқ бериб келган.

Хулоса ўрнида мен 1988-йилда Халқаро Нобел мукофотининг Париждаги йиғилишидаги сўзлар билан яқунламоқчиман: “ Инсоният XXI асрда яшаб қолишни истаса , 25 аср илгари яшаб ижод этган Конфуцийнинг донишмандлигидан яхши хабардор бўлмоғи даркор ”.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Диншунослик” З.М.Исломов, Н.А.Муҳаммедов, Ф.А.Синдарова. Тошкент. “Niso Poligraf” 2016 . УО’К:291(075.32)КВК86.3
2. Конфуций “ Сухбат ва мулоҳазалар ” . ISBN 978-9943-27-725-0. “ Янги аср алоди ”, 2016-йил
3. Конфуций хикматлар . Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, Тошкент-2010. 172б

Интернет сайтлар:

1. www.bbc.com
2. Wikipedia
3. www.geogle.com

